

Ўзбекистон Республикаси

_____ вилояти

_____ тумани

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Tashkilot nomi»

_____Rahbar

«_____» _____ 20__ йил

**«Боғдорчилик(Узумчилик) ни
ривожлантириш мақсадида тузган»**

**ТЕХНИК
ИҚТИСОДИЙ
АСОСНОМАСИ**

Денов тумани 20__ йил

1. КИРИШ

«Ташкилот номи» (кейинги ўринларда «Тадбиркор» деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.09.2024 йилдаги «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-312-сонли Қарорига асосан:

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, банк ва микромолиялаштириш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида:

1. «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури (кейинги ўринларда — Дастур) доирасида қуйидаги механизмлар амалиётга жорий этилсин:

бир лойиҳа доирасида 300 миллион сўмгача микрокредитларни, шундан 100 миллион сўм гаровсиз қисмини «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — Компания) маблағлари ҳисобидан, 200 миллион сўмгача қисмини банклар ва микромолия ташкилотларининг (кейинги ўринларда — микрокредит берувчилар) ўз маблағлари ҳисобидан ажратиш;

гаровсиз ажратилган 100 миллион сўм доирасида микрокредитлар бўйича кредит таваккалчилигини давлат ва микрокредит берувчилар ўртасида тақсимлаш ёки улар бўйича Компаниянинг портфель кафилигини тақдим этиш;

микрокредит берувчилар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган 100 миллион сўмгача гаровсиз микрокредитларни қайта молиялаштириш тизимига ўтиш.

2. Белгилансинки, Дастур доирасида 100 миллион сўмгача гаровсиз микрокредитлар:

а) барча микрокредит берувчилар томонидан камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган ва ижобий кредит тарихига эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилади. Бунда кичик тадбиркорлик субъектларини танлаб олишда бошқа талаблар ва мезонлар киритилишига йўл қўйилмайди;

б) 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб кичик тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган ҳудуд

тоифасидан келиб чиққан ҳолда Компания томонидан микрокредит берувчиларга қуйидаги ставкаларда қайта молиялаштирилади:

5-тоифа учун — 12,5 фоиз;

4-тоифа учун — 13,5 фоиз;

3-тоифа учун — 14,5 фоиз;

2-тоифа учун — 17,0 фоиз;

1-тоифа учун — 18,0 фоиз;

в) йиллик ставкаси 24 фоиздан ошганда ёки 1 — 3-тоифадаги туманда (шаҳарда) савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан боғлиқ лойиҳалар учун айланма маблағларни тўлдиришга ажратилганда, Компания томонидан қайта молиялаштирилмайди ва улар бўйича портфель кафиллиги тақдим этилмайди.

3. Дастур доирасида микрокредитлар ажратиш ва ресурс маблағлари билан таъминлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Компанияга молиявий маблағларни Марказий банкнинг асосий ставкасидан икки фоиз банд паст ставкада 3 йил имтиёзли давр билан 7 йил муддатга жойлаштиради;

микрокредит берувчилар томонидан 7 йилгача бўлган муддатга ажратилган 100 миллион сўм доирасидаги микрокредитлар Компания томонидан 10 (ўн) иш кунда қайта молиялаштирилади;

Компания маблағлари устувор равишда 3 — 5-тоифадаги тумандан (шаҳардан) рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитларни қайта молиялаштиришга йўналтирилади;

микрокредитлар Компания томонидан қайта молиялаштирилганда ёки улар бўйича портфель кафиллиги берилганда, мазкур микрокредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ-193-сон [Фармонида](#) назарда тутилган компенсация тақдим этилмайди.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб:

а) микрокредитларни қайта молиялаштиришда улар бўйича юзага келадиган кредит таваккалчилигини туманлар (шаҳарлар)

тоифасидан келиб чиқиб, Компания ва микрокредит берувчилар ўртасида тақсимлаш тизими жорий қилинади.

Бунда Компания микрокредит берувчиларга жойлаштирадиган ресурс маблағларининг тегишли қисми қуйидаги миқдорларда гаров депозити сифатида қабул қилинади:

5-тоифадаги туманда (шаҳарда) рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича — 80 фоиз;

4-тоифадаги туманда (шаҳарда) рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича — 60 фоиз;

3-тоифадаги туманда (шаҳарда) рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича — 40 фоиз;

1-2-тоифалардаги туманда (шаҳарда) рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича — 20 фоиз;

б) микрокредит берувчилар томонидан ажратилган ҳамда Компания ресурслари ҳисобидан қайта молиялаштирилмайдиган 100 миллион сўм доирасидаги гаровсиз микрокредитлар бўйича Компаниянинг портфель кафиллиги тақдим қилинади.

Бунда кафиллик бўйича тўлаб бериш мажбурияти микрокредит бўйича қарздорлик муддати ўтган санадан 90 кун ўтгандан сўнг бажарилади;

в) микрокредитларни қайта молиялаштириш учун Компания томонидан олинган маблағлар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига микрокредит сўндирилишига қараб қайтарилади. Бунда микрокредитни сўндириш бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги натижасида микрокредит берувчилар томонидан Компанияга қайтарилмаган маблағлар бўйича Компаниянинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги олдидаги мажбуриятлари бекор қилинади;

г) Дастур доирасида молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларидан фойдаланиш учун амалий ўқув курсларини тугатганлик тўғрисида сертификатга эга бўлиш талаб этилмайди.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги микрокредит берувчиларни узлуксиз равишда қайта молиялаштириш мақсадида Компанияни зарур молиявий ресурслар билан доимий равишда таъминлаб бориш чораларини кўриб борсин, шу

жумладан, бир ой муддатда 3 триллион сўм миқдоридаги маблағлар ажратилишини таъминласин.

6. Компанияга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

қайта молиялаштириладиган ёки кафиллик тақдим этиладиган микрокредитларнинг шартларига, микрокредит олувчиларга қўйиладиган талабларни ва микрокредитлар ажратадиган банклар ва микромолия ташкилотларига нисбатан мувофиқлик мезонларини белгилаш;

республика бюджети ва бошқа манбалардан молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларни кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича таваккалчиликларни ўзаро тақсимлаш асосида қайта молиялаштиришга йўналтириш;

микрокредит берувчилар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича портфель кафилликлар тақдим этиш.

7. Компания кузатув кенгашига (Ж. Қўчқоров):

а) 2025 йил 1 январга қадар:

кафиллик бўйича банклар олдидаги мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ тартиботларни соддалаштириш ва муддатларни қисқартириш;

тадбиркорлик субъектларининг кредит тарихи ва молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда кафиллик бўйича табақалаштирилган хизмат ҳақларини жорий қилиш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин;

б) микрокредит берувчиларга ажратиладиган ресурслар ва ушбу ресурслар ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича энг юқори фоиз ставкаларини мустақил равишда белгилаш, микрокредит миқдорлари, кредит таваккалчилигини тақсимлаш, портфель кафилликларини тақдим этиш ва қайта молиялаштириш миқдорлари ва шартларини ўзгартириш ҳамда бозор талабидан келиб чиққан ҳолда бошқа механизмларни жорий қилиш ваколати берилсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг «Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси» масъулияти чекланган жамиятининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) мол-мулкларини баҳолашдан ўтказмаган ҳолда уни Компанияга қўшиб юбориш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда:

“Богдорчилик (узумчилик)”ни ривожлантириш бизнес режаси

Жамғарма устав капиталидаги «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ (кейинги ўринларда — Бизнесни ривожлантириш банки) улушини номинал (баланс) қийматига камайтириш ҳисобига Жамғарманинг «Рақамли трансформация маркази» масъулияти чекланган жамияти ҳамда 14 та «Кичик бизнесга қўмаклашиш марказлари» масъулияти чекланган жамиятлари устав капиталидаги улушлари Бизнесни ривожлантириш банкига ўтказилади;

Бизнесни ривожлантириш банки устав капиталидаги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги улушини номинал (баланс) қийматига камайтириш ҳисобига Бизнесни ривожлантириш банкининг Жамғарма устав капиталидаги 100 фоиз улуши Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Компаниядаги улушини ошириш ҳисобига Компанияга ўтказилади.

9. Бизнесни ривожлантириш банкининг кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида асосий таянч банк сифатида:

халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда ўсиш ва ривожланиш салоҳиятига эга бўлган тадбиркорлар фаолиятига қўмак бериш ва ҳамроҳлик қилиш бўйича менторлар ёки етакчи тадбиркорлар гуруҳини шакллантириш, бунда йил якунига қадар 24 та менторлар фаолиятини йўлга қўйиш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида ўсиш ва ривожланиш салоҳиятига эга тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш орқали уларни индивидуал ёндашув асосида ўстириш;

ҳар бир ҳудудда юқори қиймат яратувчи янги кичик тадбиркорлик субъектлари сонини ошириш ёки ривожланишига қўмаклашиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида банкнинг хизмат кўрсатиш марказларини очиш;

2024-2025 йилларда 100 та янги бизнес йўналиши бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиб, уларни амалиётга татбиқ этиб бориш;

3-, 4- ва 5-тоифадаги ҳудудларда кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш бўйича қўшимча чоралар кўриб бориш борасидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги ПҚ-366-сон [қарори](#) асосида Бизнесни ривожлантириш банкига Дастурни молиялаштириш учун йўналтирилган жами 300 миллион АҚШ долларида 200 миллион АҚШ доллари Бизнесни ривожлантириш банки устав капиталини оширишга йўналтирилиши, 100 миллион АҚШ доллари миллий валютада йиллик 14 фоиз ставкада субординар қарз сифатида қайта расмийлаштирилишини таъминласинлар.

11. Белгилансинки:

молиявий ёрдамларни тақдим этиш доирасида Компания томонидан тадбиркорлик субъектларининг буюртмасига асосан асбоб-ускуна ва бошқа мол-мулклар ҳамда хомашёлар харид қилишда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талаблари татбиқ этилмайди;

Компанияга у томонидан тузилган импорт шартномаларига асосан тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан 50 фоизгача бўнак тўловларини ўтказишга рухсат берилади;

Жамғарма томонидан тижорат банкларига илгари жойлаштирилган ресурс маблағлари тасдиқланган графиклар асосида сўндирилганидан сўнг Компания томонидан қайта молиялаштиришга йўналтирилади;

кредит (лизинг) маблағларидан кредит (лизинг) шартномасида ва/ёки буюртмада кўрсатилган мақсадларда фойдаланилмаганда, ушбу кредит (лизинг) бўйича тўланган компенсация маблағлари тижорат банки томонидан Компанияга қайтарилади. Бунда ушбу қоида Жамғарма билан аввал тузилган шартномалардан келиб чиқадиган муносабатларга ҳам татбиқ этилади.

12. Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Компанияни Тошкент шаҳридаги зарурий инфратузилмага эга бўлган маъмурий бинога жойлаштиришни таъминласин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Марказий банк раиси М.Б. Нурмуратов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Боғдорчиликни (узумчиликни) кенгайтириб ишланса кўпроқ фойда олишга эришади. Банкдан кредит олиб ишлаш тажрибасига эгамиз. Юкоридаги қўллаб қувватлашдан кенг фойдаланишни кўзлаб, имтиёзли банк кредит маблағлари эвазига мавжуд пул маблағлари айланмасини ошириш ва бунинг оқибатида тадбиркорнинг иш кўламини янада кенгайтириб янги иш ўринлари очиб, Боғдорчиликни (узумчиликни) кенгайтириб узум кучатлари, войиш учун керакли жихозлар сотиб олишни мақсад қилиб қўйган. Кредит маблағларини ўз вақтида сўндириб тадбиркор даромадини ошириб боради. Олинадиган жорий кредит тавсифи тўғрисида қуйида тўлиқ маълумотларни акс эттирилади.

2. Резюме

Лойиха: **“Узум кўчатлари ва войиш учун жихозлар сотиб олиш учун”**

Режалаштирилган маблағ: **160,0 млн. сўм, Шундан :**

Тадбиркор маблағлари: 60,0 млн. сўм

Агро Банк кредит маблағлари : 100,0 млн. сўм.

Лойиханинг ҳукукий эгаси: **« Ташкилот номи »**

Тадбиркор манзили: _____ **тумани.**

Лойиханинг бошланиши: _____ **20__ йил.**

Лойиха муддати: **__ ой; 20__ йил – 20__ йил.**

Кредитнинг имтиёз даври: **24 (йигирма тўрт ой)**

Айланма маблағлар: _____ **минг сўм**

Харажат маблағлари: _____ **минг сўм**

Олинадиган соф фойда: _____ **минг сўм**

Жами асосий кредит тўловлари: _____ **минг сўм**

Кредит устамаси тўлови миқдори: _____ **минг сўм**

Фоиз ставкаси: **__%.**

3. Лойиха ташаббускори хақида

Тадбиркор _____ ишлаб _____ чиқариш _____ фаолиятини
_____ маҳалласида жойлашган.

Амалга ошириладиган фаолият тури Боғдорчилик фаолияти
Узумчиликни ривожлантириш ва маҳсулотларини сотиш (етказиб
бериш) билан шуғулланади.

ташаббускор: « Tashkilot nomi »

Лойиха манзили: _____ МФЙ.

Фермер хужалигининг асосий фаолият тури Боғдорчилик фаолияти
Узумчиликни ривожлантириш фаолияти билан шуғулланиш, фаолият
нуқтаси этиб, Денов тумани қилиб белгиланган бўлиб, етиштирилган
узум маҳсулотларини чиқариб сотиш ва аҳоли, тадбиркор, ташкилотлар
эҳтиёжи учун етказиб беришдан иборат.

Ўз маблағлари ҳисобига ташкил этилган озуқа, иш хизмат, техника
харажатлари ва бошқа харажатлар учун _____ млн сўм маблағлар
сарфланиб замонавий кўринишга келтирилади _____ нафар янги ишчи
ўринлари яратади ва ишчи ходимларга барча шарт-шароитлар
яратилади.

Тадбиркор иш кўламини кенгайтиришдан олдин банк муассасалари
билан маслахатлашиб, Боғдорчилик (Узумчилик) фаолиятини йўлга
қўйиш учун маблағлари ҳисобидан имтиёзли узоқ муддатли кредит олиб,
ўз вақтида тўлов графигига асосан сўндириб, кредит маблағларининг
айланмаси орқали даромад олишни режалаштирган.

4. Бозор таҳлили, бозор тавсифи, иш уринлари

« Ташкилот номи » ўзига тегишли бўлган манзилда замон
талабларига мос равишда Боғдорчилик (Узумчилик) фаолиятини олиб
боради.

«Tashkilot nomi»

«Ташкилот номи» ўзининг ваколат доирасидан келиб чиққан холда ички истеъмол бозоридан богдорчиликни кенгайтиришга узум кучатлари, войиш учун керакли жихозларга етказиб берувчи тадбиркор ва ташкилотлар билан узвий боғланган холда узум кучатлари ва жихозлар олиб келади ва лойихани ишга тушириб бир кунлик савдо пулини ўртача 500,0 минг сўмга етказишни режалаштирилган.

Фаолият манзилимиз аҳолига қулай ва марказий кўчанинг ёнида жойлашиши сабабли тадбиркорнинг савдо обороти учун қанчалик кўпроқ маблағ айланмаси зарур бўлмоқда. Тадбиркор ўзининг 1 кунлик савдо айланмаси 100,0 минг сўмни кўпайтириш мақсадида банкдан кредит олиб, кунлик савдо темпини 500,0 минг сўмга кўтаришни режалаштирмоқда. Демак, биринчи савдо фаолиятини 100,0 минг сўмдан бошланган фаолияти кейинги фаолияти давомига келиб кенгайиш, яъни ривожланиш палласида турганлигини билдирмоқда.

(минг сўм)

ТР	Курсаткичлар номи	1 йилда	2 йилда	3 йилда	4 йилда	5 йилда	6 йилда	Кредит давомийлиги даврида
1	Даромад	260820	293595	376738	415866	448557	510779	2306355
a	тушадиган айланма маблағлари	260820	293595	376738	415866	448557	510779	2306355
2	Харажат	226800	255300	329873	357925	385665	440418	1995981
	жумладан,							
3	кредит ва устамаси	21000	21000	43543	38181	32819	27457	184000
	шундан:							
a	Кредит учун			25000	25000	25000	25000	100000
б	Фоиз тулови	21000	21000	18543	13181	7819	2457	84000
4	Иш хаки	48960	48960	48960	48960	48960	48960	293760
5	хом ашё махсулотлари	116840	139340	184470	209949	233926	283546	1168071
6	Бошқа харажатлар	40000	46000	52900	60835	69960	80455	350150
7	тадбиркор Фойдаси	34020	38295	46865	57941	62892	70361	310374
8	Солик тўловларига	11520	11520	11520	11520	11520	11520	69120
9	тадбиркор Соф фойдаси	22500	26775	35345	46421	51372	58841	241254
10	Рентабеллик даражаси	9,92	10,49	11,53	12,88	13,23	13,28	12,08

“Богдорчилик (узумчилик)”ни ривожлантириш бизнес режаси

1-йилда тадбиркор

Кредит учун	0,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Фоиз тулови	21000,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Иш хаки	48960,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
хом ашё махсулотлари	116840,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Бошқа харажатлар	40000,0	минг сўмни ташкил этади ва
тадбиркор Фойдаси	34020,0	минг сўмни ташкил қилади.
Солик тўловларига	11520,0	минг сўм тўлаб берилади;
тадбиркор Соф фойдаси	22500,0	минг сўмни ташкил этади.

2-йилда тадбиркор

Кредит учун	0,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Фоиз тулови	21000,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Иш хаки	48960,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
хом ашё махсулотлари	139340,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Бошқа харажатлар	46000,0	минг сўмни ташкил этади ва
тадбиркор Фойдаси	38295,0	минг сўмни ташкил қилади.
Солик тўловларига	11520,0	минг сўм тўлаб берилади;
тадбиркор Соф фойдаси	26775,0	минг сўмни ташкил этади.

3-йилда тадбиркор

Кредит учун	25000,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Фоиз тулови	18543,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Иш хаки	48960,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
хом ашё махсулотлари	184470,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Бошқа харажатлар	52900,0	минг сўмни ташкил этади ва
тадбиркор Фойдаси	46865,0	минг сўмни ташкил қилади.
Солик тўловларига	11520,0	минг сўм тўлаб берилади;
тадбиркор Соф фойдаси	35345,0	минг сўмни ташкил этади.

4-йилда тадбиркор

Кредит учун	25000,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Фоиз тулови	13181,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Иш хаки	48960,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
хом ашё махсулотлари	209949,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Бошқа харажатлар	60835,0	минг сўмни ташкил этади ва
тадбиркор Фойдаси	57941,0	минг сўмни ташкил қилади.
Солик тўловларига	11520,0	минг сўм тўлаб берилади;

тадбиркор Соф фойдаси 46421,0 минг сўмни ташкил этади.

5-йилда тадбиркор

Кредит учун	25000,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Фоиз тулови	7819,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Иш хаки	48960,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
хом ашё махсулотлари	233926,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Бошқа харажатлар	69960,0	минг сўмни ташкил этади ва
тадбиркор Фойдаси	62892,0	минг сўмни ташкил қилади.
Солик тўловларига	11520,0	минг сўм тўлаб берилади;
тадбиркор Соф фойдаси	51372,0	минг сўмни ташкил этади.

6-йилда тадбиркор

Кредит учун	25000,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Фоиз тулови	2457,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Иш хаки	48960,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
хом ашё махсулотлари	283546,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Бошқа харажатлар	80455,0	минг сўмни ташкил этади ва
тадбиркор Фойдаси	70361,0	минг сўмни ташкил қилади.
Солик тўловларига	11520,0	минг сўм тўлаб берилади;
тадбиркор Соф фойдаси	58841,0	минг сўмни ташкил этади.

жами 6 йил давомида тадбиркор

Кредит учун	100000,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Фоиз тулови	84000,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Иш хаки	293760,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
хом ашё махсулотлари	1168071,0	минг сўм пул маблағлари тўлайди;
Бошқа харажатлар	350150,0	минг сўмни ташкил этади ва
тадбиркор Фойдаси	310374,0	минг сўмни ташкил қилади.
Солик тўловларига	69120,0	минг сўм тўлаб берилади;
тадбиркор Соф фойдаси	241254,0	минг сўмни ташкил этади.

**« Ташкилот номи » нинг
20__ - 20__ йиллар учун лойихалаштирган банк кредитининг
ўртача ҳисоб китоби тақсимоти учун тузилган штатлар жадвали**

минг.сўмда

№	Изоҳ	сони	1 ойлик уртача иш ҳақиси	Ойлик иш ҳақи фонди	Йиллик иш ҳақи фонди	2 йиллик иш ҳақи фонди	3 йиллик иш ҳақи фонди	4 йиллик иш ҳақи фонди	5 йиллик иш ҳақи фонди	6 йиллик иш ҳақи фонди
1	рахбар	1	1020	1020	12 240	24 480	36 720	48 960	61 200	73 440
2	ишчилар	3	1020	3060	36 720	73 440	110 160	146 880	183 600	220 320
	Жами	4	2 040	4 080	48 960	97 920	146 880	195 840	244 800	293 760

« Ташкилот номи »нинг ҳозирги кунда 1 нафар рахбар бўлиб, банкдан олинадиган кредит ҳисобига 3 та янги иш ўрни ташкил қилиб, ишчиларга банкдан олинган кредит тулик қайтарилгунга иш ҳақи бериб борилади, ва кредит маблағлари тўлиқ ёпилгандан кейин иш ўринлари сақланган ҳолда фаолиятини давом эттиради, соф фойдаси ҳисобидан янги иш ўринлари ташкил қилади ва кредит давомийлиги даврида ўз маблағлари ҳисобидан 293,8 млн сўм миқдоридаги маблағларни тўлайди.

5. Кредит тавсифи, ишлатилиши, таъминоти, кайтарилиши

« Ташкилот номи » ушбу лойихани амалга ошириш учун 100,0 млн сўм миқдорида банк кредити олиш ва унинг ҳисобига Боғдорчилик (Узумчиликн) фаолиятини ривожлантиришни мақсад қилиб олган. Олинадиган кредит маблағлари йиллик 21% устамаси тадбиркор маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилаб олинган. Тадбиркор олинадиган кредит маблағларини 71 ой муддатга қайтариш шарти

“Боғдорчилик (узумчилик)”ни ривожлантириш бизнес режаси

асосида 24 ой имтиёз даври билан олиниши самарали бўлишини хисоблаб чиқдик.

Кредитнинг ишлатилиши

«Ташкилот номи» фойдаланадиган иш ҳаққи, коммунал тўловлар ва бошқа харажатларга 60,0 млн сўм ўз маблағлари эвазига қуриб битказилган бўлиб, ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун 100,0 млн сўм кредит маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланади.

20__-20__ йиллар учун лойихалаштирган стратегик бизнес режаси бўйича кредит ва ўз маблағларининг ишлатилиши режаси

№	Изох	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	жами нархи	
	Банк кредити хисобидан					
1	Узум кучатлари	дона	4	100 000 000	100 000 000,0	62,0%
	ЖАМИ				100 000 000,0	62,0%
	Ўз маблағи хисобидан					
2	Озука маҳсулотлари ҳамда бошқа харажатлар				60 000 000	38,0%
	х а м м а с и				160 000 000	100%

«Ташкилот номи» 100,0 млн сўм ____ банк кредит маблағлари ва 60,0 млн сўм ўз маблағлари ҳисобига хом-ашё сотиб олиш эвазига Боғдорчилик фаолияти Узумчиликни ривожлантириш мақсадида олинadиган банк кредитини тўлиқ миқдорда қонунчиликда белгиланган тартиб асосида сотиб олинади ҳамда узум маҳсулотларга бўлган талаб ва истакларга асосан тайёрлаб истеъмолчиларга етказиб беради.

КРЕДИТНИНГ ҚАЙТАРИЛИШИ

«Ташкилот номи» банкдан олинadиган кредит маблағини 71 ойда қайтариш шарти билан, 24 ой имтиёзли даври билан кредит олишни режалаштирганмиз.

Кредит бўйича қуйидаги ҳисоб китоблар килинган: (минг сўмда)

«Ташкилот номи» томонидан маблағларни ишлатиш ҳисобига кун, ой, чорак ва йиллар кесимида кўрсаткичлари

20__ -20__ йиллар учун лойихалаштирган банк кредитининг ўртача ҳисоб китоби
минг сўмда

Кредит мақсади	Муддати ой	имтиёз ойлари	%	Микдори	Ўртача 1 ойлик фоиз суммаси	71 ойлик кредитнинг асосий қисмини ўртача тўлови	уртача 1 ойлик туловлар
Йирик шохли Қора мол	71	24	21%	100 000	1 750	2 128	3 878

Юқоридаги ҳисоб китобларга таяниб, ўртача 1 ойлик фоиз куйидагича ҳисоб китоб килинади: Кредитнинг 30 ойлик имтиёзли даври билан ҳар ойда ўртача

$100\,000\,000 \text{ сўм} / 71 \text{ ой} = 2128,0 \text{ минг.сўм}$

$100\,000\,000 \text{ сўм} / 21\% = 1750,0 \text{ минг.сўм}$

Жами 1 ойда уртача фойдаланилган банк кредитига уртача

$2128,0 \text{ м.сўм асосий кредит} + \text{устамаси } 1750,0 \text{ м. сўм} = 3878,0 \text{ минг сўмни ташкил қилади.}$

Асосий кредит ва унга ҳисобланган кредит устамалари банк кредит комиссияси билан тузилган кредит шартномасига асосан қайтарилади.

- жамият кредит давомийлиги даврида асосий кредит маблағлари учун **100000,0 минг сўм**, кредит устама тўловларига **84000,0 минг сўм** жами бўлиб, **184000,0 минг сўм** микдоридаги тўловларни амалга оширади.

7. ХУЛОСА.

«Ташкилот номи» кредит давомийлиги даврида юқорида келтирилган жадвалларга асосан **71 ойда 2306,4 млн сўм** айланма маблағларни амалга ошириб, шунга кўра **1995,9 млн сўм** харажатларни амалга оширади. Шундан кредит асосий қарзи учун **100,0 млн сўм**, кредит фоизига **84,0 млн сўм**, иш ҳаққи тўловларига **293,8 млн сўм**, хом-ашё ва бошқа харажатларга **1518,3 млн сўм** маблағлар сарфланиб, тадбиркор фойдаси **310,4 млн сўм**ни ташкил қилади. Тадбиркор фойдасидан мажбурий тўловлар учун кредит давомийлиги даврида **69,1 млн сўм** маблағларни маҳаллий бюджетга тўлайди ва **241,3 млн сўм** соф

“Богдорчилик (узумчилик)”ни ривожлантириш бизнес режаси

фойдага эга ҳамда банк кредит маблағлари ҳисобига олинган чорва моллари тадбиркор фойдасига қолади ва тадбиркорнинг кейинги фаолиятини давом эттиришга ҳамда фаолиятини кенгайтириб иш ўринларини сақланиб қолишига замин яратади.

Тадбиркор фаолият тармоқларини кенгайтириш орқали иш ўринлари сақлаб қолган ҳолда янги иш ўринлари ташкил қилиб ишчи ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини моддий ва маънавий жихатдан қўллаб қувватлайди.

Хурмат билан,
лойихани тайёрлади,
Ташкилот номи РАХБАРИ:- _____